

Янги шеърлар О Р З У

Минг дон бўлиб қайтишни билмас дехқон,
Соттайми эди фасли баҳор беҳуда бир дон?

Айтингчи, машаққат ила ким бог пратарди,
Гар она-замин айламоса танжани эҳсон?

Дегиз тубига шўғиса гаввос, билингким,
Дурдонага етмоқ унинг қалбига армон.

Ўз ёшлиғини, касби камолини кўрай дер,
Хар қимаси, шогирди учун қўйрадир жон.

Чекмасди ўғил-қизларнинг ражсини она,
Ўз бўласини англаса гар дардига дармон.

Орауси агар бермаса кўч, азму ирода,
Меҳнатда нечук қўчғай ахир қимса шараф-шон!

Орау кишининг умрига мазмун кўшар, Ўзлас,
Қалбига ўшал мўъжизани айла фаровон!

Ўзлас ЖАМОЛ.

ГАП БИЛАН

Бир оғайним бор ҳаммиса ўтказар кун гап билан,
Баъзида тоғга уланган кўп узун тун гап билан.
Тондирар қолдан жигарларни қилиб хун гап билан,
Лефчор билар соҳар оғзидан ўчқун гап билан,
Ҳамма безору ўз ҳар лаҳза мамнун гап билан.

Эртадан то кечгача жавраб жағи толмайди ҳеч,
Сўхбату мажлис, йиғинда сўзламай қолмайди ҳеч,
Лекин айтан сўзига қимса қўлоқ солмайди ҳеч,
«Қимса бўлсин гап», деган тақдирини у олмайди ҳеч,
Гоҳ бўлар у файласуф, гоҳида мамнун гап билан.

Шод бўлган қанча одамларни у лақиллатиб,
Сўз тоғлимай қолса элзатган томоқ тақиллатиб,
Нега ҳеч ким индамай турган ўн лақиллатиб!
Оқибат афсун ўқиб, бош оғритиб лўқиллатиб,
Гапни билмай ишчи билганлардан устун гап билан.

Юк бўлиб қолди юракча чарчамай вақиллаш,
Гап сотиб иш битказишни ўйлаган—нодон киши.
Энди ўтмас найрағи қимингки сота қилмиши,
Тилга кўп эрк берса ҳар ким оқибат сингмай тмиш,
Бундайни тилин тийиб қил қатъий ақун, гап билан!

Турсунбой МАҲМУДОВ.

ФАСЛ ТУҲФАСИ

Кўклардан бошларан яшнар —
Лашармоқ,
У куз хирмонига таъмалтош фасл,
Шу фасл туҳфаси ҳар ниҳол, явон,
Эртага қувонч бахш этгувчи ҳосил...
Шу кенг даладардан рисқ-рўзли ҳалим,
Шу кенг даладардан шарафли, шовли,
То абад меҳнати қўшқай бағиш
Элзатган аҳли эҳди ҳосил,
Бор бўлсин деҳқонинг, дастибирлигини...
Бирок меҳнат фаслини фақат байити
Кўклардан,
Аёзу қишда ҳам ташвишнинг қаммас,
Деҳқоним, бор бўлсин дастибирлигини,
Шундай фидойиндир деҳқоннинг фасли,
Лекин у нолмаси умру асбадан,
Дарвоқе, мен ҳам шу наслу насабдан,
Мен ҳам шу фаслга ошноман асли.

БИЛАСИЗМИ?

ЕР ШАРИ АҲОЛИСИ

Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти фонди томонидан
тайёрланган докладада айти-
лишича ҳозирги вақтда Ер
шарида 4,6 миллиард аҳоли
яшайди. 2000 йилга бориб
унинг сони 6,1 миллиард ки-
шини ташкил этади.

Планетамиз аҳолиси ҳар
минутда 146 кишига кў-
паймоқда. Бу яшовчилар
сафига ҳар кун 210 минг,
йилига эса 77 миллион ки-
ши қўшилиши демакдир.

Илгари бу рақамлар яна-
да салмоқлироқ эди. Хуж-
жатда кўрсатилишича, ер
юзидagi аҳоли сонининг ор-
тиси 1960—1965 йилларда-
ги 1,99 процентдан, 1975—
1980 йилларга келиб 1,77
процентга тушиб қолди.

ШИФОХОНАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Оҳангарон районининг
Кўшсой ва Қўшбулоқ посёл-
каларида янги фельдшерлик-
акusherлик пунктлари очил-
ди, даволаш амбулаторияла-
ри эса ремонтдан чиқарилди.
«Оҳангарон» совхозидagi да-
волаш пунктида физиотера-
пия кабинети ишчиларга хиз-
мат кўрсата бошлади.

Кейинги йилларда районда
шифохоналар сони анча кў-
пайди. Аҳолига медицина
хизмати кўрсатиш ахшилан-
ди. Ҳозирги кунда район,
стоматология ва болалар по-
ликлиникалари, 10 та қиш-

РАҲИМ АҲМЕДОВ ИЖОДХОНАСИДА АТОҚЛИ САНЪАТКОР- РАССОМ ТАЛҚИНИДА

Ҳамза номидagi Ўзбек ака-
демик драма театрининг эта-
ки артири, СССР халқ артисти
Наби Раҳимов томошбинлар-
га яхши таниш. У ўзининг
жўшқин ижодий фаолияти да-
вомида қўллаган хилма-хил об-
разлар яратди.

Бу етук санъаткорнинг кўп
қиррали ижодий қиёфаси маш-
хур мўйқалам устаси, СССР
халқ рассоми Раҳим Аҳмедов
этиборини кўпдан бери ўз-
га тортиб келмоқда. Рассом
Наби аканинг портретини яра-
тиш мақсадида талайгина эс-

СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ЧИМ УСТИДА ХОК-
КЕЙ. СССР чемпионатининг
олий лигасида иштирок эта-
ётган Коммунистик райони-
дagi «Политотдел» колхозчи-
ли хоккейчи қизлари нав-
батдаги тур ўйинларини ўт-

40 ЙИЛЛИК

ЖУДОЛИКДАН СЎНГ

— Ахир бувижон! Дадам,
ойим, сингилларимчи! —
Улар ҳам ўзларининг
эҳтиётларини қилганлар.
Сал тинчсин, тоғиб оламиз;
ёки ўзлари излаб келишар.

Шундан сўнг фашистлар
шаҳарга бостириб киришди.
Ишга яроқли кишиларни Гер-
манияга ҳайдаб кетишди, вах-
сийликлар авжига чиқди. Ни-
нанинг ота-онаси ва опа-син-
гиллари эса излаб келишма-
ди.

Кимсасиз қолган Верани
партизанлар ўз бағриларига
олишди. 1944 йил уни мамла-
кат ички сирасига жўнатишди.
1949 йил эса Тошкент обла-
стидаги Бекобод районига қа-
рашли «Давларзин» совхозин-
инг «Олмазор» қишлоғига
(ҳозирги район маркази —
«Зафар» посёлқасига) келиб
қолди. Ана шу давргача у
учраган кишидан ўз яқинла-
рини сўраб, аммо улардан
бир хил жавоб олар эди:
«Ўзгарамадик».

— Яхшиямки бағри кенг,
меҳмондўст одамлар орасида
эдим,— дейди Вера Федоро-
ва ўша оғир давларни эс-
лаб,— бўлмаса мен — 12
йашар етимча қизнинг тақди-
ри нима кечар эди. Улар
менга нон-туз бердилар, ме-
хрибонлик қилдилар. Ўзбек
қардошларим орасида улғай-
дим. Воғга етиб оила қурдим.
Фарзандли бўлдим. Лекин
ота-онам, бувим, опаларим-
дан тириклиги арилганмен ме-
ни ўқитишар эди. Мен
уларни жуда кўп изладим,
лекин натижаси бўлмади.

Уша 1941 йилнинг машҳур
22 июнь кунини буви си қўн-
да ширин ўйкуда ётган Нина ҳам
дахшатли портлашлар овози-
дан уйғонди. Ташқарига чо-
пиб чиқатганида буви си уни
кўчиб олди.

— Ташқари дўзахнинг ўз-
гисини, Лявнати фашист уруш
бошлабди,— деди у набира-
сини бағрига босиб.

Чет эл Янгиликлари

Я. АРАФАТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

САНО. 4 октябрь. (ТАСС).
Президент Рейган билан
унинг вакили Ҳабиб Фалас-
тин отрядларининг турли
араб мамлакатларида жой-
лаштирилиши Фаластин қар-
шилик ҳаракатини сувайти-
ришга олиб боради, деб бе-
ҳуда унинг қўлмоқдалар. де-
ди Фаластин озодлик ташки-
лати ижроия комитетининг
раиси Я. Арафат Шимолда
Яман пойтахти дундаги
фаластинлик жангчилар ла-
гоида сўзлаган нутқида.
Байрутда алағна олган олов
бўлти араблар дунёсига ейна-
лади, деди у.

Фаластин қаршилик ҳа-
ракатининг қўллари Исроил
агрессорларининг ваҳшиёна
ҳаракатлари натижасида ҳеч
бир туноҳиз минглаб киши-
лар, болалар, аёллар ва қар-
иялар ҳалок бўлаётганини
сабабига Байрутдан чи-
қиб кетди, деб тасдиқла-
ди Я. Арафат. Ҳарбий Бай-
рутга қарийб уч ой мобай-
нида шафқатсизларча ўқ ё-
дириб турилди. Ливандаги
жанглар вақтида Америка
қўрқлини Исроилга етказиб



● АНГЛИЯ. Лондонда кон серватив ҳукуматининг снса-
тига қарши оммавий намойиш бўлиб ўтди. Бу намо-
иш медицина ходимларининг иш ҳақини ошириш,
соғлиқни сақлаш эҳтиёжларига ариятлаётган мабла-
ларни қўпайтириш тўғрисидаги талабларини қўлла-
ш мақсадида ўтказилди.

АП—ТАСС телефотоси.

(ТАСС, 4 октябрь).

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

● АДАН. Демократик Яман
пойтахтида рус тилини ўр-
ғаниш курсларида анги ўқув
йили бошланди. Ана шу курс-
лар ишлай бошлагандан буён
ўтган ўн йил ичида излаб
яманиклар — ишчилар, хиз-
матчилар, студентлар шу курс-
ларни тамомлаб чиқди. Бу ки-
шилар Совет Иттифонининг
ердами билан қўриётган
корхоналарда, шунингдек Со-
вет — Яман ҳамкорлиги билан
бунёд этилаётган бошқа об-
ъектларда мувефақиятли меҳ-
нат қилмоқдалар.

● АНҚАРА. Миллий тадқи-
қот марказининг маълумотла-
рига кўра, Туркияда 45,3 ми-
лион аҳолидан 4 милли-
онини ишсиздир. Бу йил пу-
нинг қадрсизлиги даражаси
40 процентга етди.

● АММОН. Қишлоқ жой-
ларини электрлаштириш —
Иорданияни 1981—1985 йил-
ларда иқтисодий ривожланти-
риш беш йиллик планининг энг
муҳим вазифалардан бири-
дир. Планада мамлакатнинг
олис районларида жойлашган
300 га яқин қишлоқни электр-
лаштириш кўзда тутилади.


Совет мутахассислари шу
мақсадларни амалга ошириш-
да Иорданияга катта ёрдам
бермоқдалар. Уларнинг кўма-
ги билан Ириб вилоятида
электр линиясини ўтказиш
учун техника хужжатлари тай-
ерланди. Ана шу линия қўриб
битказилганидан кейин шу
райондаги 150 қишлоққа
электр келади.

● БАҒДОД. Ироқ олимла-
ри қувш энергиясини уй-жой-
коммунал хўжаликда фойда-
ланиш юзасидан амалий экс-
периментлар ўтказишга ки-
ришдилар. Улар яқинда мам-
лакатда биринчи қувш уйини
синаш мақсадида фойдалана
бошладилар. Бу уйнинг барча
совитиш, иситиш ва еритиш
системалари қувш нувлари
энергияси ҳисобига ишламақ-
да. Бу бир қавати турар жой
биносининг томи нишоб бў-
либ, унда қувш батареялари-
нинг 138 та панели ўрнатил-
ган. Батареялар ҳосил қила-
ётган электр энергиясини йил-
нинг иссиқ пайтида уйни со-
витиш, совуқ пайтда эса ис-
итиш, рўзгордаги электр тех-
никасини ишга тушириш, би-
нони еритиш учун етарлидир.

(ТАСС, 4 октябрь).

РЕКЛАМА

Эълонлар



«ТАШХОЗОРТ» МАГАЗИНЛАРИ
ТАШКЎЛЛАР, КОРХОНАЛАР,
КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАРГА
1981 ЙИЛГАЧА ЧИҚАРИЛГАН
«КОДРИ», «ПАМИР», «СВИЯГА»,
«САМАРҚАНД»
РЎЗГОР ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИНИ
ПЎЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

СОТ АДИ

ХОЛОДИЛЬНИКЛАРНИ МАЙДА УЎЎЎЎЎ САРВО
ЛИМИТИГА ҲИСОБЛАМАСДАН ПЎЛ ЎТКАЗИШ ЙЎ-
ЛИ БИЛАН ҚЎНИДАГИ МАГАЗИНЛАРДАН СОТИБ
ОЛИШ МУМКИН:

4-Фарход кўчаси, 17-уй;	16 — П. Морозов кўчаси,
5-Техника рўзгорда»	25-уй;
Ўзбекистон ССР 50 йиллиги	17 — Сергеев бозори;
проспекти, 24-уй;	22 — «Милл хил майда-
7 — Госпиталь бозори;	чуллар» — Муқимий кў-
8 — Чертанцев кўчаси,	часи, 4-уй;
22-уй;	27 — Мирзааҳмедов кў-
10 — Фарход ярмаркаси;	часи, 1-уй;
11 — Ёнгелс кўчаси, 46-	31 — Боткин кўчаси, 7-
уй;	уй;
15 — Ўйгур кўчаси, 624-	34 — М. Хасанова кўча-
уй;	си, 33-«а»-уй;

«ТАШХОЗОРТ»
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ
БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
АГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

МУҚИМИН НОМЛИ ЎЗ-
БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ
ТЕАТРИДА — 6Х да Тў-
нда олдин томоша, 7Х да
Музыкали комедиялардан
парчалар (Кулги кечаси).

Ц И Р К
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЦИРКИДА — Москва ко-
медия йирки артистлари
нинг гастроллари (19.30).

БЕТАБИСТОН Коммуни-
стик партияси Тошкент об-
ласт комитети ва об-
ласт ижроия комитети об-
ласт умуий овқатланиш бош-
қармасининг бошлиғи
Тўқтин Мелисов
РАНАБОВНИНГ
бевафот вафот этганини
қайғу билан маълум қи-
лаётган ва Ҳарумнинг на-
риндошлари ҳамда яқин-
ларига чуқур таъзия нахор
этидилар.